

*Азимов Улугбек Абдухалилович Озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги Халқаро институти доценти, ф.ф.б.ф.д.,(PhD).*

*Азимов Улугбек Абдухалилович, доцент Международного института пищевых технологий и инженерии, д.ф.н.,(PhD).*

*Azimov Ulugbek Abdukhalilovich, Associate Professor of the International Institute of Food Technology and Engineering, Doctor of Philosophy (PhD).*

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА ЁШЛАРНИНГ  
АКСИОЛОГИК ОНГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ  
АҲАМИЯТИ  
СОЦИАЛЬНАЯ ЗНАЧИМОСТЬ РАЗВИТИЯ  
АКСИОЛОГИЧЕСКОГО СОЗНАНИЯ МОЛОДЕЖИ В  
УЗБЕКИСТАНЕ  
AXIOLOGICAL REVELATION AND SOCIAL ACHIEVEMENT OF  
YOUTH IN UZBEKISTAN**

**Аннотация:** *Ушбу мақолада Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида ёшлардаги аксиологик онгни илмий-фалсафий аспектларини ўрганиш ўтмиш – бугунги кун – келажак спектри йўналишини англашда аҳамиятли эканлиги, ёшлар масаласи доирасида ҳар қандай муаммоларни ўрганиш ҳар бир зиёли инсон, ҳар бир ватанпарварнинг бурчи ҳақидаги фикрлар баён этилган.*

**Аннотация:** *В данной статье рассматривается развития Узбекистана на новом этапе научно-философских аспектов ценностного сознания молодежи в понимании направленности спектра прошлое-настоящее-будущее.*

**Abstract:** *In this article, at the new stage of Uzbekistan's development, the study of the scientific-philosophical aspects of the axiological consciousness of young people is important in understanding the direction of the past-present-future spectrum.*

**Калит сўзлар:** тараққиёт, аксиология, аксиологик онг, тараққиётнинг янги босқичи, демократик қадриятлар тизими, умуминсоний қадриятлар, таълим тизими.

**Ключевые слова:** развитие, аксиология, ценностное сознание, новый этап развития, демократическая система ценностей, общечеловеческие ценности, система образования.

**Key words:** development, axiology, axiological consciousness, new stage of development, system of democratic values, universal values, educational system.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида ёшларнинг келажак фаолиятида аксиологик онгнинг ижтимоий аҳамиятини тўлиқ англанишига эришиш, ижтимоий талаб ва мажбуриятларга масъулиятли муносабатни қарор топтиришнинг ижтимоий-фалсафий омилларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, тараққиётнинг янги босқичига қадам қўяётган мамлакатимизда ёшлардаги аксиологик онгни илмий-фалсафий аспектларини ўрганиш ўтмиш – бугунги кун – келажак спектри йўналишини англашда аҳамиятлидир. Ёшлар масаласи доирасида ҳар қандай маммоларни ўрганиш ҳар бир зиёли инсон, ҳар бир ватанпарварнинг бурчи, тарихий миссиясидир.

Ёшлар ҳам жамиятда яшар экан, шу жамиятдаги ўзгаришларни, янгиликларни таҳлил қилиб, ўзлари ҳам қайсидир соҳада қандайдир янгиликни яратиш из қолдиришга интилиши заруриятга айланиши табиий ҳол бўлмоғи керак. Улар ўз имкониятларини воқеликка айлантириш учун қадам ташлар экан, жамиятнинг янги тараққиёт босқичида ёшларнинг демократик қадриятлар тизимида аксиологик муносабатини ривожлантириш ишлаб чиқариш соҳасини янада такомиллаштиришда устуворлик касб этади. Тадқиқотчилар тўғри таъкидлаганидек, “ёшларнинг ғоявий тарбиясида инсонпарварлик, миллатпарварлик ва ватанпарварлик каби фазилатлар фақат конкрет-амалий ҳаракатлар орқали муайян мазмун

ҳамда аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигига ҳам эътибор қаратиш даркор. Шундай шароитда турли деструктив кучлар, тоталитар мафкуралар таҳдиди барҳам топишига имкон яралади. Бунинг учун таълим тарбияни инсонпарварлаштирган ҳолда унинг миллий мафкура билан узвий алоқадорликда ривожланишини таъминлаш зарур”<sup>1</sup>. Бу эса жамият тараққиёти иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий, маданий жиҳатларини ўзида қамраб олади. Жамиятда яшовчи ёшлар ана шу соҳаларда фаоллик кўрсатиши ҳаётий заруриятдир.

Назаримизда, биз ёшлар тарбияси билан шуғулланганимизда асосий эътиборни уларнинг касбий тайёргарлигини ўстиришга, маънавий энергиясини шакллантиришга, қонунларга риоя қилишликка даъват этишга қаратамиз. Тарбиянинг энг муҳим вазифаси ёшларни ҳозирги куннинг муаммолари ҳақида мустақил фикрлашга ундашдан, янги ижтимоий-иқтисодий тузумда шахсий фаолиятни ташкил қилишни режалаштириш, мазкур жараёнларни умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолда амалга оширишдан иборат бўлиши лозим.

Ёшларда шахс ва жамият манфаатлари уйғунлигини таъминлашга оид билимларни ўстиришнинг мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

-ёшларга жамиятнинг янги тараққиёт босқичида ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади халқ хоҳиш-иродасини ифода этиш эканлигини чуқур сингдириш. Бунинг учун шахс манфаати, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, самарали меҳнати, ташаббускорлиги давлат томонидан ҳимоя қилиниши ва кафолатланишига доир назарий билимларни шакллантириш зарур. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган 2017 йилда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ” деган ғоя асосида ҳар ким эркинлик ва шахсий даҳлсизлик ҳуқуқига эга экани, жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг айби судда аниқ

---

<sup>1</sup> Базаров О. Х. Талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий асослари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент 2019. – Б 20.

бўлмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги тўғрисидаги конституциявий нормаларни амалда таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилди”<sup>2</sup>.

-шахс ва жамият манфаатларининг уйғунлиги жараёнини ўстиришда ижтимоий адолат ўрнатувчи тузумнинг амалий фаолиятига объектив баҳо бериш кўникмаларини шакллантириш керак. Жамиятни янгилашнинг муҳим мезони – манфаатларни инобатга олиш, тартибга солиш, улар орқали бошқариш билан боғлиқ эканлигини бугунги ижтимоий-амалиёт аниқ ва равшан исботлаб қўйди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир”, дейилишида ҳам шахс манфаатларининг устуворлиги таъкидланади.

-ёшларда шахс ва жамият уйғунлигига доир билимларни шакллантиришда уларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини ўстиришга қаратилган фанлар, дарс машғулоти салмоғини ошириш лозим. Шахс ва жамият манфаатларининг ҳуқуқий жиҳатлари тўғрисида билимларга эга бўлиш, давлатлараро манфаатлар тўқнашувининг сиёсий муносабатларга таъсирини ўрганиш ҳам ёшлар дунёқарашига таъсир кўрсатади. Агар халқлар ҳаётини манфаатлар идора этиши, фуқаролар фаолияти заминида манфаатлар туриши ҳисобга олинса, манфаатлар ижтимоий тараққиёт омили эканлиги табиийдир. Жамият ривожланиши давомида ижтимоий жараён билан бирга, шу тараққиётга монанд тарзда ижтимоий онг ҳам ўзгариб боради. Тарихий тараққиёт таъсиридаги бундай ўзгаришлар шахс ва жамият ўртасидаги алоқада, шунингдек, кишиларнинг мавжуд муайян ижтимоий муҳитга муносабати мазмунида ҳам ўз ифодасини топади<sup>3</sup>. Шу боис ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий онгини ўстиришга қаратилган педагогик жараёнлар орқали уларда жамият олдидаги масъулиятни, бурчни ҳис

<sup>2</sup> Мизиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон. –Б.7-9.

<sup>3</sup> Назаров Қ, Пахрутдинов Ш, Жўраев Т, Жалилов А, Саидолимов С. Миллий манфаатлар ва раҳбар масъулияти. –Тошкент: Давлат ва жамият қуриш қурилиши Академияси нашриёти. 2007. –Б. 17.

қилишга оид кўникмаларни шакллантириш мумкин. Бу орқали турли хил таҳдидларга қарши туриш мумкин бўлади. Зеро, “бугун миллатларнинг ўзига хослигини барбод қилиб уларнинг онги, дунёқараши ва қалбини эгаллашга қаратилган кучларнинг асосий хужуми миллий руҳиятни заифлаштиришга қаратилаётгани бежиз эмас. Айни пайтда, миллий руҳиятнинг инқирозга юз тутиши миллатнинг нафақат онги, маънавияти ва ахлоқий жиҳатдан қашшоқлашувига, шунингдек, моддий жиҳатидан ҳам ўзгаларга қарам ҳолатга тушиб қолишига олиб келади”<sup>4</sup>.

-ёшларда шахс манфаатлари билан жамият манфаатлари, инсон манфаатлари билан башарият манфаатлари ўртасидаги уйғунликка эришиш орқали ҳаётий муаммоларни самарали ечиш мумкинлигига педагогик амалиётда аргументлаш орқали ишонтириш лозим. Зеро, жамият манфаати, умумбашарият манфаати ижтимоийнинг муайян инъикоси бўлиб, шахслар – инсонлар манфаатидан бошланади. Шунинг учун ҳам, мамлакатимизда “инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ” деган ғоя асосида катта ишлар амалга<sup>5</sup> оширилмоқда. Шахснинг тарихдаги ўрнини, ижтимоий-сиёсий мавқеини тиклаш орқали жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий салоҳияти юзага келади. Инсон манфаатларининг оқилона инobatга олиниши орқали эса, умумбашарий қадриятлар ривожланади. Шахс манфаати билан жамият манфаатининг, фуқаролар манфаати билан давлат манфаатининг муштарак ривожланишида, жамият тараққиётида инсон омилининг ўсиш ҳолати намоён бўлади. Шу боис таълим-тарбия жараёнида шахс ва жамият манфаатлари муштараклигига доир ғоявий таъсир восталаридан унумли фойдаланиш орқали ёшларда ватанпарварлик, фидойилик, садоқатлилиқ ҳамда ҳалоллик фазилатларини шакллантириш керак. Бунинг учун бугунги кунда ёшлар турли хил ахборот

<sup>4</sup> Отамуродов С. Глобаллашув: миллатни асраш масъулияти. –Тошкент: Ўзбекистон. 2018. –Б.131.

<sup>5</sup> Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон. –Б.7.

хуружларидан огоҳ бўлиши, ҳар бир масалага ўз миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб ёндаша олиши керак<sup>6</sup>.

-ёшларга ижтимоий-гуманитар фанлар орқали шахс ва жамият манфаатлари муштараклигининг бузилиши ижтимоий беқарорликни келтириб чиқаришини, турғунликнинг ҳосил бўлишини, ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги уйғунликнинг бузилишини, оқибатда иқтисодий парокандалик, ижтимоий инжиқлик, маънавий таназзул каби оқибатлар келиб чиқишини аниқ мисоллар ва тарихий фактлар орқали тушунтириш лозим.

-олий таълим тизими ёшларида таълим-тарбия воситасида инсон манфаатларининг оддий чегараланган, юзаки, баъзан сохта манфаатларга айланиб қолишининг сабабларини ўргатиш ва ёшларда юксак инсоний манфаатлар усуворлигини таъминлашнинг педагогик технологияларини яратиш зарур.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, таълим тизими ёшларни манфаатлар диалектикасини англашларига ундаши, муносабатларда манфаатлар мавжудлигини тушунтириши, таълим-тарбия орқали шахсий манфаатларни жамият манфаатларидан устун қўймасликларини, уларнинг муштараклигини ҳамда ўзаро алоқадорликда ижтимоий тараққиётга пойдевор бўлишига доир билимларини мустаҳкамлаши лозим. Ёшларда шундай ёндашувни шакллантириш лозимки, жамият манфаати тушунчаси қиёфасиз куч эмас, хусусий манфаатларнинг умумий манфаатларга ўсиб чиқиш диалектикасини реал инъикоси бўлиши керак. Умумий манфаатлар хусусий манфаатлар мажмуаси эканлигини аниқлаш жамиятнинг сиёсий идора қилишда тўғри йўл танлашига имкон беради. Умумий манфаатлар табиатида кўпчилик эҳтиёжини, ихтиёрини, амалий фаолиятини мужассамлаштириш жамият ривожининг бош йўлини аниқ белгилашга шароит яратади. Шундай экан, ёшларда шахс ва жамият манфаатлари

---

<sup>6</sup> Қуронов М. Бизни бирлаштирган ғоя. –Тошкент: Ғофур Ғулом. 2016. –Б.175.

уйғунлигига доир билимларни ўстириш уларда ижтимоий тараққиётнинг ўзгарувчанлик ҳолатига мослашишга, ижтимоий эҳтиёжнинг йўналишини тушунишга, бўлажак кадрларда бозор иқтисодиёти қонуниятларини англашларига ёрдам беради.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Базаров О.Х. Талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий асослари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент 2019.

2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон. –Б.7-27.

3. Назаров Қ, Пахрутдинов Ш, Жўраев Т, Жалилов А, Саидолимов С. Миллий манфаатлар ва раҳбар масъулияти. –Тошкент: Давлат ва жамият қуриш қурилиши Академияси нашриёти. 2007. –Б. 20.

4. Қуронов М. Бизни бирлаштирган ғоя. –Тошкент: Ғофур Ғулом. 2016. –Б.175.

5.Рафиқова Д., Азимов У. ТАЪЛИМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ //Экономика и социум. – 2021. – №. 2-2 (81). – С. 167-169.

6.Rafikova D. et al. Preparing to innovative activity: Problem solving //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing, 2023. – Т. 2789. – №. 1.

7.Azimov U., Umurzakov A. HIERARCHY OF VALUES AND PERSONAL VALUES //Экономика и социум. – 2021. – №. 1-1 (80). – С. 354-355.

8. А.А.Мадаминов. ACTUAL PROBLEMS OF YOUTH SOCIALIZATION IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION. Экономика и социум. 2019. №4(59). 62-64стр.

[https://www.iupr.ru/\\_files/ugd/b06fdc\\_0d8e3a360c514eab84f18bb092e3a7fb.pdf?index=true](https://www.iupr.ru/_files/ugd/b06fdc_0d8e3a360c514eab84f18bb092e3a7fb.pdf?index=true)